

Покиза аёлларга тухмат қилиш



15:00 / 29.03.2019 6118

Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта, (бузуқ ниятлардан) беҳабар, покиза, мўмина аёлларни бадном қиладиган кимсалар дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатга дучор бўладилар. Улар учун улуғ азоб бордир. У Кун (қиёмат)да қилиб ўтган (бўхтонлари) сабабли уларнинг тиллари ҳам, қўлу оёқлари ҳам ўзларининг зиёнларига гувоҳлик берур» (Нур сураси, 23-24-оятлар).

«Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) - уларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон улар томонидан бирон гувоҳликни қабул қилманглар! Улар фосиқ - итоатсиз кимсалардир» (Нур сураси, 4-оят).

Ҳаромдан сақланган, покиза, ҳур аёлга кимда-ким «зинокор» ёки «фоҳиша» деб тухмат қилса, унга дунёю охиратда лаънат ва улкан азоб бўлишини, бу дунёда эса саксон дарра урилиб, гарчи ишончли бўлса-да, гувоҳлиги бошқа қабул қилинмаслигини Аллоҳ таоло баён қилди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «*Еттита ҳалок қилувчи ишдан сақланинглар*», деб улар орасида: «(Бузуқ ниятлардан) *Ғофил, покиза, мўмина аёлларга тухмат қилиш*»ни ҳам санаб ўтганлар (Муттафақун алайҳ).

Тухмат қилиш – покиза, ҳур, муслима аёлга «эй зинокор» ёки «эй фоҳиша» ва ё шунга маънодош сўзларни айтиш, эрига «эй фоҳишанинг эри» ўғлига «эй фоҳишанинг ўғли» қизига «эй фоҳишанинг қизи» дейиш ёки шу каби сўзларни сўзлашдир.

Биронта эркак ёки аёл бошқа бир эркак ёки аёлга ва ё ёш болага шу ва шунга ўхшаш сўзларни айтса, шу сўзларнинг ростлигига тўртта гувоҳ келтириши лозим. Агар келтира олмаса, тухматга учраган эркак ёки аёл талаб қилса, унга саксон дарра урилади.

Шунингдек, қулига тухмат қилган кимса ҳам азобга гирифтор бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: *«Кимки қулига «зинокор», деб тухмат қилса, қиёмат кунда унга ҳад (жазо) қўлланади. Агар гапи рост бўлса, (жазо) қўлланмайди»* (Муттафақун алайҳ).

Кўп жоҳиллар беҳаё сўзларни айтишга одатланиб қолишган. Ҳолбуки, улар мана шу сўзлари билан дунёда гуноҳкор, охиратда азобга гирифтор бўладилар. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: *«Банда ўйламасдан бир сўзни айтади-да, у сабабли машриқ билан мағриб орасидаги масофадан узунроқ масофага дўзахга қулайди»* (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам фарзанди хатоларининг аксарияти тилидандир», дедилар» (Табароний, Байҳақий ривояти).

Бошқа бир ҳадиси шарифда: *«Кимки Аллоҳ ва охират кунига ишонар экан, унда яхши гап гапирсин ёки сукут сақласин»,* дейилган (Муттафақун алайҳ).

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тилига эгалик қилган, уйи сиғдирган ва хатоларига йиғлаган кишига жаннат бўлсин», дедилар (Табароний ривояти).

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Мўмин таъна қилувчи, лаънат айтувчи, ахлоқсиз ва беҳаё сўзловчи бўлмайди» (Термизий ривояти).

Аллоҳ таоло лутф-марҳамати ила барчамизни тилларимиз ёмонлигидан сақласин. Албатта, у саховатли, марҳаматли зотдир.

Фойда: Мусанниф раҳимаҳуллоҳ айтадилар: *«Ким пок эканликларини тасдиқловчи оят тушганига қарамасдан, Оиша розияллоҳу анҳо онамизга тухмат қилса, у Қуръонни ёлғонга чиқарган кофир ҳисобланади ва ўлдирилади».*

«Гуноҳи кабиралар» китобидан